

Инсонлар Аллоҳ таолонинг ер юзидаги гувоҳларидир



06:00 / 25.04.2023 2383

Исломдаги энг афзал ибодат, таҳорат қилмай, қиблага юзланмай, пул сарфламай бажариш мумкин бўлган энг енгил тоат Аллоҳни зикр қилишдир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

قُلْ خَيْرٌ لَّيْفَ نُوْرِكْفَتَيِّوْ مَوْبُوْنُجَ كَلَعَوْ اَدُوْعَقَوْ اَمَ اِيْقَهَلَلَا نُوْرُكُدَيِّ نَيْدَلَا
رَاَنْلَا بَادَعَا نَقَفَا كَنَا حُبُّسَا اَلطَابَا اَدَهَا تَقَلَخَا اَمَا نَبَرَصْرَا لَاوَتَاوَا مَّسَلَا

“Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган,

**осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар:
“Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни ўт азобидан сақлагин” (Оли Имрон сураси, 191-оят)**

Аллоҳ таолони кўп зикр қилувчиларга саломатлик бўлсин!

Дин муомалада ҳам кўриниши керак

Дин фақат намоз ўқиётганда, рўза тутаётганда эмас, балки олди-сотди, шариатга мувофиқ келишувлар, берилган ваъдалар, аҳдлар, одамлар билан кўришганда, идораларда навбат кутганда, бемор кўргани борганда, деҳқончиликда ва ҳоказо ўринларда ҳам кўриниши керак.

Шундай қилиб, инсонлар Аллоҳ таолонинг ер юзидаги гувоҳларидир. Ҳар бир инсон бу дунёда қилган амалининг ҳосилини охиратда йиғиб-териб олади.

**Бахтиёр бўлишингиз, муваффақиятга эришингиз, юксалишингиз,
нажот топишингиз учун сизга қуйидаги тўрт насиҳатни айтаман:**

1. Намозга эътиборли бўлинг!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نَبِيَّكَ الَّذِي تَأْتِيهِ الْبُحْرَانُ أَتَانَسْخِلُكَ فِي الْبُحْرَانِ إِذْ يَبْتَهِقُ فَيَجْرُكُكَ فِي الْبُحْرَانِ فَكَذَلِكَ يُؤْتِي السَّلْوَ

“Кундузнинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагида намозни тўқис адо қил! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказади. Бу эса, эсловчиларга эслатмадир”. (Уламоларимиз ояти каримадаги “Кундузнинг икки тарафида” адо қилинадиган намоз бомдод, пешин ва аср намозлари, “кечанинг бир бўлагида” адо этиладиган намоз шом ва хуфтон намозлари, дейишган. Мўмин киши томонидан қилинган ҳар бир яхши иш ёмонликларни кетказади. Намоз ўша яхшиликларнинг гултожидир. Ушбу оятда оғир ва аҳамиятли ишларни қилишда, Аллоҳнинг амрига бўйсунушда, кўрсатган йўли ва йўллаган динида мустақийм туришдек масъулиятли ишда намоз ва яхшилик қилиш ила олдинга йўл очишга ундаш бор.) (Ҳуд сураси, 114-оят)

